O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... KITOB PALATASI




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 30 сентябрь, № 190 (5105) Пайшанба


# ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!

Қадрли устозлар!

Авваламбор, сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

Бугун дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгаси бўлган азиз устозларга самимий тилакларимизни изҳор этар эканмиз, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг "Муаллим зоти эзгулик ва маърифат йўлининг беминнат чароғбонидир" деган ҳикматли сўзлари беихтиёр ёдимизга тушади.

Бундай юксак ва ҳаққоний баҳолар фарзандларимизни жисмоний ва маънавий етук, баркамол инсонлар этиб ўстириш, вояга етказишдек эзгу ва масъулиятли ишни ўз зиммасига олган юртимиздаги минг-минглаб жонкуяр устоз ва мураббийлар, ҳурматли домлаларимиз шаънига муносиб эканини барчамиз бугун чуқур англаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, кўз нури ва қалб қўрини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим ва тарбия беришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишлаган, бир сўз билан айтганда, Ватанимизнинг эртанги кунининг пойдеворини яратаётган сиз азизларнинг кундалик олижаноб меҳнатингиз олдида таъзим этсак арзийди, албатта.

Ҳеч шубҳасиз, бу йилги байрамнинг Баркамол авлод йилида, унинг юксак мақсад ва вазифаларига уйғун ва ҳамоҳанг тарзда кенг нишонланаётгани бу айёмга алоҳида кўтаринки руҳ бағишламоқда.

Азиз юртдошлар!

Биз мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб таълим соҳасида эски ёндашувлардан бутунлай воз кечиб, янгича тамойилларга, миллий қадрият ва анъаналаримизга, илғор жаҳон тажрибасига асосланиб, ҳаётимизни тубдан янгилаш, узоқ ва давомли мақсадларимизни амалга ошириш учун таълим ва тарбия соҳасига устувор аҳамият қаратиб, бор куч ва имкониятларимизни шу йўлда сафарбар этмоқдамиз.

Моҳияти ва аҳамиятига кўра чиндан ҳам ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш дастури бугунги кунда ҳаёт синовидан ўтиб, ўз ҳосилини бераётгани, халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани барчамизга ҳақли равишда ғурур-ифтихор бағишлайди.

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида — тарихан қисқа бир даврда эришган, шу жумладан, таълим ва маърифат соҳасида қўлга киритган ютуқ ва марралари ҳақида келтирилган маълумотлар йиғилганларда катта қизиқиш ва ҳавас уйғотди.

Энг муҳими, ана шу давр мобайнида чуқур ўйланган ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширган улкан ишларимиз натижасида мамлакатимиз дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторида 12 йиллик мажбурий умумий ва ўрта махсус таълим тизимига ўтгани Ўзбекистонимиз эришган ютуқларнинг яққол тасдиғи сифатида қабул қилинди.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда кейинги ўн-ўн икки йил мобайнида 1 минг 394 та касб-ҳунар коллежи, 142 та академик лицей, 9 минг 772 та мактаб, ўнлаб олий ўқув юртлари янгитдан бунёд этилгани, реконструкция қилингани ва капитал таъмирланганининг ўзи тарихимизда илгари ҳеч кўрилмаган улкан ҳодисадир.

Ана шундай эзгу ишларимизнинг давоми сифатида махсус дастурлар бўйича 1 минг 200 та болалар спорти объекти барпо этилгани, 278 та мусиқа ва санъат мактабини янгитдан қуриш ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилаётганини таъкидлаш лозим.

Айни вақтда ушбу масканларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, интернет тизимини кенг жорий қилиш, ўқув-машғулот ва лаборатория хоналарини ташкил этиш, дарслик ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, малакали педагог ва мураббий кадрлар тайёрлаш учун қанча-қанча меҳнат, куч ва маблағ сарфлангани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Яна бир муҳим томони — узоқни кўзлаб амалга ошираётган бундай ишларимиз нафақат шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини, балки бутун жамиятимиз, аввало, ёшларимизнинг дунёқарашини, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий савиясини ўзгартириб, мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришда мустаҳкам пойдевор бўлаётгани билан, айниқса, эътиборлидир.

Албатта, олдимизда турган эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида яратилган барча кенг имкониятлар эътироф этилаётган бир пайтда, биз, энг аввало, бунёд этилаётган шароитларга бамисоли жон ва куч бераётган, уларни ишга солаётган муаллим ва мураббийларнинг оғир ва масъулиятли меҳнатининг ўрни ва аҳамиятини чуқур англаб, уларни муносиб қадрлаш ва баҳолаш барчамизнинг доимий эътиборимиз марказида туришини яхши тушунамиз.

Айни шу мақсадда педагог ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, иш ҳақини ошириш бўйича янги тизим жорий этиш, ўқитувчилик, мураббийлик, маърифат соҳасида жонкуярлик ва фидойилик кўрсатаётган инсонларни Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден-медаллари ва мукофотлари билан тақдирлаш масалаларини ўзимизнинг бурчимиз деб ҳисоблаймиз ва бундан кейин ҳам шундай бўлажак, иншооллоҳ.

Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, диққатингизни яна бир масалага жалб этишни истардим. Расмий маълумотларга кўра, сўнгги йилларда педагогика йўналиши бўйича олий ўқув юртларига ҳужжат топшираётган абитуриентлар сони энг юқори кўрсаткични, яъни 22,6 фоизни ташкил этмоқда.

Агарки, бу ниманинг далолати, деб сўраса, мен, бу биринчи навбатда, мамлакатимизда ўқитувчилик чиндан ҳам шарафли касбга айланаётгани, ёшларимиз ўз ўрним, ўз бахтимни айнан шу касб орқали топаман, деб астойдил интилаётганининг далолатидир, деб айтган бўлардим.

Биз мамлакатимизни модернизация қилиш, ҳаётимизни янада эркинлаштириш ҳисобидан дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторига киришни ўз олдимизга буюк мақсад қилиб қўйган эканмиз, таълим-тарбия соҳасидаги ишларни асло бўшаштирмасдан, янги ва юксак босқичга кўтаришни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Барчамизга аёнки, бугун ҳаёт шиддат билан ўзгариб, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун турли интилиш ва ҳаракатлар тобора кучайиб бормоқда. Ана шундай мураккаб бир вазиятда миллий ўзлигини, кимнинг, қандай буюк зотларнинг вориси эканини, Ватан туйғусини чуқур англайдиган, иродаси мустаҳкам, юксак маънавиятли ёш авлодгина бизга ёт ва бегона бўлган зарарли таъсир ва оқимларга қарши тура олади.

Фарзандларимизни ана шундай эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашда менинг энг яқин маслакдошим, кўмакчим ва суянчим бўлган сиз, муҳтарам муаллим ва мураббийлар ўзингизнинг билим ва тажрибангизни, куч-ғайрат ва маҳоратингизни аямайсиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларимга — юртимиздаги барча ўқитувчи ва мураббийларга Ватанимизнинг бугунги равнақи, эртанги истиқболи йўлидаги масъулиятли меҳнатингиз учун халқимиз номидан, ўз номимдан яна бир бор чуқур миннатдорлик изҳор этишни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Қадрли дўстлар!

Барчангизни қутлуғ байрамингиз билан самимий табриклаб, сизларга янги-янги ютуқлар, сиҳат-саломатлик ва бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Умрингиздан барака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, азиз устозлар!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни



# ЭЗГУЛИК ВА МАЪРИФАТ ЧАРОҒБОНИ

## Истиқлол туфайли юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати алоҳида эътибору эъзоз топди

***Келажагимиз ворисларининг маънавий дунёқараши, билим ва тафаккурини бойитиш, улар қалбида она-Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини шакллантиришда меҳрибон устозлар, фидойи мураббийлар, ғамхўр ўқитувчиларнинг хизмати беқиёсдир. Зеро, истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод камоли йўлида ғоят муҳим ўрин тутувчи ушбу соҳа ходимлари меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласига юксак эътибор қаратилмоқда.***

Мана, бир неча йилдирки, Юртбошимиз ташаббуси билан 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Бу кун маърифатпарвар халқимиз, фарзандлари камолини кўриш истагидаги ота-оналар, билимга чанқоқ ёшлар учун ҳам қувончли айёмдир. Чунки меҳридарё устозларни ардоқлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий ва айни пайтда истиқлол йилларида янгича маъно ва мазмун касб этган қадриятларидан бири саналади. Шу боис айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бу байрамга бағишланган кўплаб тадбирлар, анжуманлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларининг бир гуруҳ ўқитувчилари, мураббийлар, педагоглар Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар. Пойтахтимизда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим тизимида кечаётган ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақсадида мактаблар, коллежлар, олий таълим даргоҳларида, музейлар, маданий-маърифий масканлар, санъат саройларида бўлишиб, мустақиллик йилларида шаҳримизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар.

Анъанага мувофиқ, пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида мазкур умумхалқ байрамига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, таълим-тарбия соҳасида узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилган педагоглар, илғор ўқитувчилар, олимлар ва талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган Фармонига биноан, мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Маълумки, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётида, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсининг тобора юксалишида, ҳаётимизнинг барча йўналишларидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда ёш авлод таълим-тарбияси муҳим аҳамиятга эга. Шу боис юртимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Соҳага изчиллик билан татбиқ этилаётган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жаҳон андозалари даражасидаги таълим даргоҳларини барпо этиш, мавжудларини қайта реконструкция қилиш,

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она-юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

### «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

**Астанов Бахшилло Тешаевич** — Жондор туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

**Норбутаева Рабия Юлдашевна** — Қарши транспорт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Нормухамедова Гулчехра Нуримовна** — Тошкент шаҳридаги имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Розумбетов Ибадулла Шарипович** — Тўрткўл туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Тошпулатова Гулнора Абдирасуловна** — Нуробод туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

**Ахадова Дилбархон Абдумаликовна** — Наманган туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Бегимқулова Ханифа Кулниязовна** — Қумқўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Гаппарова Зульфия** — Сардоба туманидаги Бўстон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Сирдарё вилояти

**Каримов Юлдош Халилович** — Бахмал туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Курбанов Марат Галиевич** — Яккама-якка кураш бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бокс бўйича катта мураббийи, бокс бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи

**Мансуров Тайирхон Темирович** — Чиноз туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Менглиева Гулчеҳра Маҳмудовна** — Навоий давлат кончилик институти қошидаги 2-академик лицейи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Навоий вилояти

**Милладжанова Хосият Мадаминовна** — Марғилон миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Нишанов Мадаминжон** — Пахтаобод қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Хусаинова Зухра Маткаримовна** — Урганч шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 12 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 28 августда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**вояга етмаган** — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс;

**вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси** — вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

**ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган** — вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ёхуд ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган;

**ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила** — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оила;

**назоратсиз** — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган;

**якка тартибдаги профилактика иши** — ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олишга доир фаолият;

**қаровсиз** — аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаган;

**ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар** — вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари.

**4-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари**

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

*Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини замонавий асосда такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:*

## «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Наризова Иба Кушжановна** — Конимех туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг директори, Навоий вилояти

**Сафаров Уриш Нишонович** — Оққўрғон туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Султанова Сунажан Матякубовна** — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали қошидаги 1-академик лицейининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

## «Меҳнат шухрати» ордени билан

**Алимов Ғайрат Маъсудович** — Нурота қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Бобоназарова Халима** — Нарпай туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Ганиев Исламкул Туйчиевич** — В. Успенский номидаги Республика мусиқа академик лицейининг ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Камалова Паршагуль Даулетмуратовна** — Нукус давлат педагогика институти қошидаги 1-академик лицейининг биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Киямова Зульфия Султановна** — Қарши шаҳридаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг немис тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Мавланова Хафиза Шариповна** — Сирдарё туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Мамадалиев Исомиддин Имомалиевич** — Янгиқўрғон туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Мамуров Эргаш Джуманович** — Жиззах олимпия захиралари коллежининг белбоғли кураш бўйича мураббийи, Жиззах вилояти

**Матмуратов Ихтиёр Курбанбаевич** — Шовот туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Петрова Раиса Олеговна** — Олмалиқ кончилик касб-ҳунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Рахманова Раънохон Мухтаровна** — Олтинсой туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Рахматов Яраш Гадоевич** — Ғиждувон туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Холиқова Одинахон Носировна** — Қува туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Ҳалимов Тўра** — Бухоро давлат университети қошидаги 4-академик лицейининг тарих фани ўқитувчиси

## II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Баратова Мурават Рахимовна** — Бекобод тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Бобоева Нодира Маҳмудовна** — Чироқчи туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Тураев Фарход Рустамович** — Яккама-якка кураш бўйича Республика Олий спорт маҳорати мактабининг дзюдо бўйича мураббийи, Тошкент шаҳри

## «Дўстлик» ордени билан

**Алиева Шарофатхон Абдужалиловна** — Хўжаобод туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Вишневская Лариса Георгиевна** — Собир Раҳимов туманидаги 242-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Жалилова Мухаббат Мухамадовна** — Қизилтепа туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Ким Леонид Юнсенович** — Юқори Чирчиқ туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг оғир атлетика бўйича мураббийи, Тошкент вилояти

**Мардонова Дилшода Рамазоновна** — Когон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Бухоро вилояти

**Назирова Раъно Содировна** — Ёзёвон туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Насирова Кунсулу Асаматдииновна** — Мўйноқ туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Небиев Решат Бедрединович** — Сирдарё туманидаги Малик агросаноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Рахманова Муяссар Гулимовна** — Гурлан туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Родионов Георгий Васильевич** — Самарқанд ахборот-коммуникация технологиялари ва саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Рустамов Абдурахмон Нематович** — Жиззах туманидаги Учтепа қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Тураева Менгнор Хасановна** — Ғузор қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Шокирова Саодат Иргашевна** — Тўрақўрғон туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Эшназарова Хурсанд Кайюмовна** — Узун туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

## «Шухрат» медали билан

**Абдиева Рўзихол Якубовна** — Олот туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Абдикамалова Хурлиман Абдиразаховна** — Нукус педагогика коллежининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Абдуллаев Мухтор Саъдуллаевич** — Янгиариқ туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Аннакулова Назокат Эшалиевна** — Термиз шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Ахмадалиева Саида Абдулхамидовна** — Наманган шаҳридаги 60-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

**Ахтаев Фарход Умирзақович** — Пахтакор туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Бекмуратова Арзаим Даулетмуратовна** — Тахиатош шаҳридаги 8-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бойматов Султон Курашевич** — Арнасой туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Болтаева Гулсина Файзуллаевна** — Зафаробод туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Ботиров Шавкат Жонибекович** — Қўшкўпир туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Вахобов Ахмаджон** — Бўз туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Ёрматов Илхомжон Ибрагимович** — Данғара транспорт касб-ҳунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Фарғона вилояти

**Ибрагимова Ойдин Абдурахимовна** — Мирзо Улуғбек туманидаги 525-мактабгача таълим муассасаси логопеди, Тошкент шаҳри

**Избосаров Абдухошим Абдурашидович** — Бешариқ туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Исмаилова Дильбар Мурахмедовна** — Ҳамза маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Каипназаров Клишбай Каржауевич** — Нукус туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Каюмова Махмудахон** — Наманган шаҳридаги Давлатобод енгил саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Қулманова Улжан Туйчиевна** — Пахтачи туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Кушаев Рахимжан Балтабаевич** — Амударё туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Мирзаев Обиджон Мўминович** — Ўзбекистон туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Мирзаева Угилой Хакимовна** — Ховос туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Мирзаева Фароғат Журакобиловна** — Қарши давлат университети қошидаги академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Мирмахсудова Мавлуда Буриевна** — Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти қошидаги Миробод академик лицейининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Набиева Парида Расулматовна** — Ангрен шаҳар кимё саноати касб-ҳунар коллежининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Раматуллаева Оразгул Салиевна** — Тахиатош ижтимоий-иқтисодиёт ва педагогика касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Расулов Абдусалим Шаймарданович** — Шеробод туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Расулова Максад Пармановна** — Қамаши туманидаги 4-меҳрибонлик уйининг тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

**Рафиева Дилфуза Турсуновна** — Ғиждувон қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Рахманова Иноят Мухтаровна** — Олтинсой маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Сабуров Мақсудбек Жуманиязович** — Хива қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Сайибов Бегдулла Ташанович** — Хатирчи туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Сапаров Мамадиёр Ражабович** — Оқдарё маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Самарқанд вилояти

**Сулайманов Абдулхафуз Рузиматович** — Избоскан туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Ташанов Раббим Уролбоевич** — Булунғур туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг юнон-рум кураши бўйича бош мураббийи, Самарқанд вилояти

**Темирбаева Муккарам Калбаевна** — Ўрта Чирчиқ туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабининг қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Усманов Қодиржон Асқарович** — Чортоқ туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Файзиев Тохирбой Жахпарович** — Паркент туманидаги 29-болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Фаттахов Мирзахмад Азизович** — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейининг физика фани ўқитувчиси

**Хакимова Хавасхон Маматкаримовна** — Қувасой саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Халилова Мамлакат Камоловна** — Бухоро туризм касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Хамракулова Махабатхон Абдураимовна** — Бўз педагогика коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Хужакулова Гулбиби Раббанаевна** — Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Хусанова Раъно Абдуллаевна** — Поп қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Шарипова Мохира Ахматовна** — Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг кимё-биология фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Шодмонова Дилором Бахромовна** — Қарши туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Шукурова Муборак Сайтқосимовна** — Марҳамат туманидаги ўқувчиларнинг «Биоэкосан» маркази директори, Андижон вилояти

**Шукурова Қурбаной Абдуразаковна** — Сардоба туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Эгамбердиева Малохат Носировна** — Жомбой туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Эсанов Элмурод Холиқулович** — Миришкор туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Якубов Махмадрахим Сариевич** — Узун маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Ғаниев Шерали Ўроқович** — Оқдарё туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Ҳакимова Танзила Нориевна** — Кармана туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 29 сентябрь

# ЭЗГУЛИК ВА МАЪРИФАТ ЧАРОҒБОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, жиҳозлар, компьютер техникаси билан таъминлаш имконини бермоқда. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ҳам юртимизда муносиб таълим шароитини яратиш, таълим тизимини тобора такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг самарали меҳнат қилиши, касб малакаси ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Муҳими, бундай эътибор ва ғамхўрлик таълимнинг барча бўғинларида — умумий, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизимларида ўзининг яққол ифодасини топмоқда.




— Бугунги кунда ўғил-қизларимизнинг пухта билимга эга бўлиши баробарида уларни миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш масаласи жуда муҳимдир, — дейди Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти кафедра мудири Нилуфар Йўлдошева. — Қувонарлиси, бугун тизимда устоз-шогирдлик анъанасига асос солинди. Бу жараёнга дарсларни замон талаблари даражасида ташкил этишга, доимий изланиш ва янгилик яратишга қодир бўлган фан ўқитувчилари жалб қилиниб, уларнинг ҳар бирига ўз мактаби ва ёндош мактаблардан шогирд ўқитувчилар бириктирилди.

Дарҳақиқат, бугун энг асосий мақсадлардан бири соҳани малакали мутахассислар билан таъминлашдир. Бу борада ёш педагоглар тажрибасини оширишга эътибор масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Байрам арафасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 2010 йилда ўтказилган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси", "Йилнинг энг яхши педагоги" республика кўрик-танлови ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда сўзга чиққан Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги 15-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Феруза Эркулова, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов, Республика «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Раҳматилла Шералиев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни пухта билимли, жисмонан соғлом, юксак маънавий фазилатлар соҳиби этиб тарбиялаш барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади эканини алоҳида эътироф этдилар. Соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Тантанали йиғилишда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта байрам концерти намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев иштирок этди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган суратлар.**

***Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳада, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий ахборотлашган жамиятни шакллантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар изчиллик билан ва аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилмоқда.***

# ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Давлатимиз раҳбари 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, «коммуникация тизимларини ривожлантириш ҳақида гапирганда, юқори технологик телекоммуникация тармоғини ривожлантириш биз учун муҳим стратегик аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этиш даркор. Бугунги кунда ҳаётимизни компьютер техникаси, ахборот технологиялари, интернет, мобиль телефон алоқасисиз тасаввур қилиб бўлмайди».

Мана шу масалаларнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан шу йил 28 сентябрь куни «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Тошкент шаҳрида ва Бухоро вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси анча ривожланди, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ўстиришда ва аҳолига хизмат кўрсатишда уларнинг аҳамияти ошди. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари ўсиб бормоқда, энг янги техника ва технологиялар жорий қилинмоқда. Барча вилоят марказларида рақамли шаҳарлараро станциялар ўрнатилган, шаҳарлараро магистрал ва вилоят ичидаги алоқа линияларида умумий узунлиги 12 минг километрдан ортиқ толали-оптик кабель ҳамда рақамли радиореле линиялари ётқизиш ишлари амалга оширилди, энг янги телевизион узатгичларни модернизация қилиш ва ўрнатиш ишлари олиб борилди, минтақаларда радиога симсиз уланиш тизими жорий қилинди. Ўзбекистон телекоммуникациялар тизими тўғридан-тўғри халқаро каналларга эга бўлиб, дунёнинг 180 мамлакатига чиқа олади, бунда толали-оптик ва йўлдош тизимидан фойдаланилади.

Электрон ҳужжат айланиши тизимини ривожлантириш ва амалиётга жорий қилиш, дастурий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва уни қатор йўналишлар бўйича экспорт қилишни ривожлантириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди, электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш бўйича бешта марказ тузилди. Бугунги кунда электрон рақамли имзолар калитлари сони 80 мингдан ортиқроқни ташкил этади. Солиқ инспекцияси ва статистика органларида давлат статистика ҳисоботларини электрон шаклда қабул қилиш тизимини жорий этиш борасида ишлар олиб борилмоқда.

«Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш мақсадида Тошкент шаҳрининг телекоммуникация тармоғи рақамли станциялар асосида бутунлай реконструкция қилинди. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалининг қўшимча хизматларидан фойдаланувчи абонентлар сони 200 минг кишидан ортиқни ташкил этади. Тошкент шаҳрида республика телекоммуникация тармоқларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими яратилган, уларга алоқа операторлари тармоқларини улаш бўйича муайян ишлар олиб борилди. Хусусан, Тошкент шаҳрида бу тизимга халқаро коммутация марказининг, «UzNet» маълумотлар узатиш тармоғининг филиали, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалининг оптик магистрал ҳалқаси ва «EAST Telecom» қўшма корхонаси транспорт тармоғининг бошқарув тизимлари уланган. Бухоро вилоятида ушбу автоматлаштирилган бошқарув тизимига халқаро коммутация маркази тизимлари ва «Uz Mobile» симсиз уланиш тармоқлари уланган. Телекоммуникациялар соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун Тошкент шаҳрида 850 га яқин ва Бухоро вилоятида 150 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъектга лицензия берилган.

«Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида компьютерлаштириш маркази ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари ахборот-коммуникация технологияларини туман ҳокимликлари ва уларнинг бошқарув тузилмалари фаолиятига жорий қилишни жадаллаштириш ҳамда электрон ҳужжат айланиши тизимини қўллашдан иборат. Бугунги кунда шаҳар ҳокимлиги билан туман ҳокимликлари ўртасида ахборот алмашишнинг корпоратив тармоғи ишлаб турибди, «Microsoft Share Point» дастурий таъминоти базасида электрон ҳужжат айланиши тизими ташкил этилган.

Худди шундай марказ Бухоро вилояти ҳокимлигида ҳам ташкил этилган. Электрон ҳужжат айланиши тизими вилоятнинг 52 та йирик корхона ва ташкилотида йўлга қўйилган бўлиб, уларда электрон ва рақамли имзолар калитларидан фойдаланилмоқда.

Масалани кўриш асносида сўзга чиққан сенаторлар ва тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари юқорида айтиб ўтилган қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлаш бўйича ўтказилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини янада оширишга эътибор қаратдилар. Хусусан, замонавий ахборот технологиялари ва электрон ҳужжат айланиши тизимидан самарали фойдаланиш, инновацион технологияларни кенг қўллаш ҳисобига янги замонавий хизмат турларини жорий қилиш, сервис инфратузилмасини ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида қўшимча иш ўринлари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, электрон ҳужжат айланиши тизимида ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Масалани сенаторлар, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида кўриб чиқиш якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталарининг тегишли қарори қабул қилинди.

**(ЎзА).**

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантириш;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш;

вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш ҳолларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш.

**5-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари**

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

инсонпарварлик;

тизимлилик;

оилани қўллаб-қувватлаш ва у билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларнинг тарбиясига якка тартибда ёндашиш.

**6-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятни ахборот билан таъминлаш**

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар:

прокуратура органларини — вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида;

вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларни — вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида, шунингдек вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида;

васийлик ва ҳомийлик органларини — етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёхуд ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган ёхуд таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган болалар тўғрисида;

меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларини — ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар ва оилалар аниқланганлиги тўғрисида;

ички ишлар органларини — ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этган вояга етмаганлар тўғрисида, шунингдек вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд уларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган ота-оналар ва ўзга шахслар ҳақида;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларини — мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиши оқибатида тиббий текширувга, кузатувга ёки даволанишга муҳтож бўлган вояга етмаганлар тўғрисида;

таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасаларини — ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини ёки бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарк этган ёхуд таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар тўғрисида зудлик билан хабардор қилади.

**7-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг иштироки**

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш мақсадида:

таълим муассасаларида ўқиётган вояга етмаганларнинг ўқиш вақтида ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда бўлишига йўл қўймаслик, бундан мазкур муассасаларда таълим фаолияти ёки таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган тадбир доирасида бўлиши мустасно;

вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига йўл қўймаслик;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларнинг ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда тунги вақтда улардан бирининг кузатувисиз бўлишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

## 2-боб. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар ва уларнинг ваколатлари

**8-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизими**

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимига қуйидагилар киради:

вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар;

ички ишлар органлари;

таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари;

васийлик ва ҳомийлик органлари;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;

меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган органлар ҳамда муассасалар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

**9-модда. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар**

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқади, шунингдек ушбу тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга оширади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ижобий иш тажрибаларини умумлаштиради ва оммалаштиради, уларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади;

вояга етмаганлар, педагогик жамоалар ва жамоатчилик ўртасида ҳуқуқий тарғиботни олиб боради;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларда вояга етмаганларни сақлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш шароитларини назорат қилади;

вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома билан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалалар бўйича судга мурожаат қилади;

таълим муассасаларининг вояга етмаганларни мазкур муассасалардан чиқариш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқади;

вояга етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларга ишга жойлашиш ва турмушини йўлга қўйишда ёрдам кўрсатади, давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганларни жойлаштириш шаклларини белгилашда кўмаклашади;

ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни қайта тарбиялашда ота-онага ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга ёрдам бериш учун зарур тайёргарликка, ҳаётий тажрибага ёки болалар билан ишлаш тажрибасига эга бўлган фуқароларни уларнинг розилиги билан жалб қилади;

ўз мажлисларига мансабдор шахслар, мутахассислар ва бошқа шахсларни кўрилаётган масалалар юзасидан ахборот ҳамда тушунтиришлар олиш учун таклиф қилади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини бартараф этиш, тарбия-профилактика фаолиятини яхшилаш мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотларга тақдимномалар киритади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳоллари тўғрисида прокуратура органларига хабарлар юборади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг қарорларини бажармаган, шунингдек вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини бартараф этишга доир тақдимномаларида кўрсатилган чораларни кўрмаган ҳолларда, уларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга нисбатан таъсир чораларини белгиланган тартибда қўллайди.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**10-модда. Ички ишлар органлари**

Ички ишлар органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи махсус бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмаларидан ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан (бундан буён матнда ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази деб юритилади) иборатдир. Ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ўз ваколатлари доирасида иштирок этади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.

**11-модда. Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари**

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида:

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боради;

қидирув эълон қилинган вояга етмаганларни, шунингдек ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни аниқлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади ҳамда белгиланган тартибда уларни вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органларга ёки муассасаларга юборади;

вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд вояга етмаганларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган шахсларни, шунингдек вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд вояга етмаганларнинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

вояга етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади;

ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органлар ва муассасаларга таклифлар киритади;

вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига белгиланган тартибда жойлаштириш учун уларга тааллуқли ҳужжатларни тайёрлайди;

вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари фактлари, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитлар тўғрисида тегишли давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларни хабардор қилади;

ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни, шунингдек назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ички ишлар органларига олиб боради, бу ҳақда зудлик билан баённома тузади ҳамда вояга етмаганлар келтирилганлиги ҳақида уларнинг ота-онасини ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни хабардор қилади;

вояга етмаганларнинг яшаш, ўқиш (иш) жойидаги таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, бошқа ташкилотларда, тўгараклар ва клубларда вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг аҳволини ўрганади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тегишли давлат органларига ҳамда бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги материалларнинг тегишли органлар ва муассасалар томонидан кўриб чиқилишида иштирок этади;

вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг, вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг ҳисобини юритади, шунингдек статистика ҳисоботини тузиш учун зарур бўлган ахборотни йиғади ва умумлаштиради;

етим болалар ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда васийлик ва ҳомийлик органларига кўмаклашади.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**12-модда. Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари**

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ўз ваколатлари доирасида:

уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг шахсини аниқлаш, ҳаёти, соғлиғини муҳофаза қилиш ёки улар томонидан такроран ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни кеча-кундуз қабул қилишни ҳамда вақтинча сақлашни таъминлайди;

олиб келинган вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб боради, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда бу ҳақда тегишли давлат органларини ва бошқа ташкилотларни хабардор қилади;

вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига олиб боради, шунингдек ушбу муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларни жойлаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга оширади.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига қуйидаги вояга етмаганлар жойлаштирилиши мумкин:

назоратсиз ёки қаровсиз қолганлар;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасаларини ёхуд бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарк этганлар;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўн олти ёшгача бўлганлар;

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаганлар, агар вояга етмаганларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш ёки улар томонидан такроран ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишининг олдини олиш зарур бўлса, шунингдек уларнинг шахси аниқланмаган ёхуд уларнинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаётган бўлса;

маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳуқуқбузарликларни содир этганлар, агар уларнинг шахси аниқланмаган бўлса ёхуд уларнинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари ҳуқуқбузарликлар содир этган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаётган бўлса;

ўзининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилиши тўғрисидаги масаланинг суд томонидан кўриб чиқилишини вақтинча кутиб турганлар;

суднинг ажримига кўра ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига юборилаётганлар.

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш учун суднинг ажрими асос бўлади.

Вояга етмаган ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига ички ишлар органи ёки ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғининг ёхуд унинг ўринбосарининг қарори асосида жойлаштирилиши мумкин. Бу ҳолда вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва уни мазкур марказга жойлаштириш заруратини тасдиқловчи материаллар вояга етмаган марказга жойлаштирилганидан кейин 48 соатдан кечиктирмасдан судга юборилади.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи ёки унинг ўринбосари вояга етмаганнинг ушбу марказга жойлаштирилганлиги тўғрисида мазкур марказ жойлашган ердаги прокурорни ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияни зудлик билан, лекин 24 соатдан кечиктирмасдан хабардор қилади.

Вояга етмаганлар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида уларни жойлаштириш учун зарур бўлган энг кам вақт давомида, лекин кўпи билан ўттиз кун бўлиши мумкин. Алоҳида ҳолларда бу муддат суднинг ажрими асосида ўн беш кунгача узайтирилиши мумкин.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида вояга етмаганнинг бўлиши муддатига қуйидагилар кирмайди:

ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида соғлиқни сақлашни бошқариш органи томонидан эълон қилинган карантин даври;

вояга етмаганнинг соғлиқни сақлаш муассасасининг ҳужжати билан тасдиқланган ва уни оилага қайтаришга ёки тегишли муассасага юборишга тўсқинлик қилаётган касаллиги даври;

суднинг илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги ажрими устидан берилган шикоятнинг (протестнинг) кўриб чиқилиш вақти.

Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**13-модда. Таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари**

Таълимни бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантиришга, уларга ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи асосларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишлаб чиқади ва таълим муассасаларининг иш амалиётига жорий этади;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг, шунингдек вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа муассасаларнинг фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёхуд мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларни аниқлайди ҳамда уларнинг ҳисобини юритади, уларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим олишига доир чора-тадбирларни кўради;

вояга етмаганларга ўз ҳаёт йўлини ва касб-ҳунар танлашида уларнинг қобилияти, қизиқиши, мойиллиги ҳамда соғлиғининг ҳолатига мувофиқ психологик ёрдам кўрсатади;

ривожланишида ёки хулқ-атворида нуқсони бўлган вояга етмаганларни аниқлайдиган, уларни комплекс текширувдан ўтказадиган ҳамда уларнинг келгусидаги таъминоти, тарбияси ва таълими шаклларини белгилаш бўйича тавсиялар тайёрлайдиган психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тузади;

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади;

таълим муассасаларида оммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўгараклар, клублар ташкил этилишини ҳамда вояга етмаганларни уларда қатнашишга жалб этишни таъминлайди, вояга етмаганларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этишда қатнашади.

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда бошқа таълим муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

ривожланишида ёки хулқ-атворида нуқсони ёхуд ўқишида муаммолари бўлган вояга етмаганларга ижтимоий-психологик ҳамда педагогик ёрдам кўрсатади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, шунингдек таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёхуд мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларни аниқлайди, уларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим беришга доир чора-тадбирларни кўради;

таълим муассасаларида оммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўгараклар, клублар ташкил қилади ҳамда вояга етмаганларни уларда қатнашишга жалб этади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларни аниқлайди ҳамда ушбу оилаларга ўз болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасида ёрдам кўрсатади;

вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантиришга, уларга ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи асосларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни амалга оширишга доир чора-тадбирларни кўради.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларнинг ота-онаси вафот этган, уларнинг ота-оналари ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, улар ота-оналарининг ота-оналик ҳуқуқи чекланган, ота-онаси муомалага лаёқатсиз деб топилган, ота-онаси касал бўлган, ота-онаси узоқ муддат бўлмаган, ота-онаси болаларини тарбиялашдан ёки уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган ҳолларда, шу жумладан ота-онаси ўз болаларини таълим муассасаларидан, соғлиқни сақлаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларидан ва бошқа муассасалардан олишдан бош тортган тақдирда, шунингдек болалар ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш, уларга таълим бериш, келгусида уларни жойлаштириш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш учун қабул қилади;

кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг вояга етмаган болаларини, фақат отаси ёки онаси бор бўлган вояга етмаганларни ушбу оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш учун қабул қилади;

мазкур муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади.

Таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**14-модда. Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари**

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари киради.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ўн бир ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган, таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш учун алоҳида шароитларга муҳтож вояга етмаганлар қуйидаги ҳолларда уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга жойлаштирилиши мумкин, агар улар:

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаган бўлса;

айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноий жавобгарликдан озод қилинган, материаллар вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга кўриб чиқиш учун топширилган бўлса;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тариқасидаги мажбурлов чораси қўлланилган ҳолда жиноий жазодан озод қилинган бўлса;

якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамай ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишни давом эттираётган бўлса.

Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш учун қуйидагилар асос бўлади:

ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошиларида кўрсатилган вояга етмаганларга нисбатан ушбу Қонунга мувофиқ чиқарилган суд ажрими;

ушбу модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисида кўрсатилган вояга етмаганларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ чиқарилган суд ажрими.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ушбу муассасаларда сақлаш, тарбиялаш ва таълим беришга тўсқинлик қиладиган касаллиги бўлган вояга етмаганлар жойлаштирилиши мумкин эмас.

Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида сақлаш, тарбиялаш ва уларга таълим беришга тўсқинлик қиладиган касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларни ўқитишни, уларнинг касб-ҳунар тайёргарлигини ва ижтимоий-педагогик реабилитациясини амалга оширади;

вояга етмаганларни сақлашнинг мазкур муассасалар ҳудудини қўриқлашни, вояга етмаганларнинг шахсий хавфсизлигини ва салбий таъсирлардан ҳимояланганлигини, ушбу муассасалар ҳудудига бегона шахсларнинг эркин киришини, бу муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларнинг эркин чиқишини чеклашни ўз ичига олган махсус шарт-шароитларини таъминлайди;

вояга етмаганларнинг мазкур муассасаларни ўзбошимчалик билан тарк этиши ҳолатлари тўғрисида ушбу муассасалар жойлашган ердаги ва вояга етмаганларнинг яшаш жойидаги ёки турган жойидаги ички ишлар органларини хабардор қилади ҳамда ички ишлар органлари билан биргаликда уларни топиш ва мазкур муассасаларга қайтаришга доир чора-тадбирларни кўради;

вояга етмаганларнинг яшаш жойидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга вояга етмаганларнинг ушбу муассасалардан чиқарилаётганлиги тўғрисидаги хабарномаларни, шунингдек вояга етмаганларга оид тавсифномаларни уларни чиқаришдан камида бир ой олдин юборади.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари мазкур муассасалар жойлашган ердаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга қуйидаги масалалар юзасидан тақдимномалар киритади:

вояга етмаганларни бошқа ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ўтказиш;

вояга етмаганларнинг мазкур муассасаларда бўлишини суд томонидан белгиланган муддат ўтишидан олдин, агар улар хулқ-атвори тузалганлиги сабабли ушбу таъсир чорасини қўллашни давом эттиришга муҳтож бўлмаса ёки соғлиғи ҳолатига кўра бу муассасаларда бўла олмаса, тугатиш;

вояга етмаганларни ўқитишни тамомлаш зарур бўлган тақдирда, уларнинг ушбу муассасаларда бўлиш муддатини узайтириш.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**15-модда. Васийлик ва ҳомийлик органлари**

Васийлик ва ҳомийлик органлари ўз ваколатлари доирасида:

етим болаларни, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритади ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганликнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб, болаларни жойлаштириш шаклларини танлайди, шунингдек уларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш шароитлари устидан назоратни амалга оширади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда вояга етмаганларга нисбатан васийлик ва ҳомийликни белгилашга доир чора-тадбирларни кўради;

ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаб қўйиш ёки уни бу ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилади, бундан вояга етмаганнинг белгиланган тартибда тўла ҳажмда муомала лаёқатини олиши ҳоллари мустасно;

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади;

ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъволар қўзғатади;

ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги, шунингдек ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ҳақидаги ишларни судларда кўриб чиқишда иштирок этади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**16-модда. Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари**

Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар ўртасида санитария-гигиена билимларини кенг ёйишни, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни ташкил этади;

вояга етмаганлар ўртасида алкоголизм, чекиш, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик ҳамда уларнинг хулқ-атворидаги шу билан боғлиқ нуқсонларнинг профилактикаси бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

вояга етмаганлар ўртасида алкоголизм, чекиш, гиёҳвандлик ва заҳарвандликнинг тарқалиши тўғрисида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларни хабардор қилади;

уч ёшгача бўлган адашиб қолган, ташлаб кетилган ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа болаларни кеча-кундуз қабул қилиш ҳамда парваришлашни амалга оширади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларга, шунингдек вояга етмаганларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга маслаҳат ёрдамини кўрсатади;

алкоголь таъсирида маст ҳолатда бўлган ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган вояга етмаганларни кеча-кундуз қабул қилишни амалга оширади ва уларга тиббий ёрдам кўрсатади;

ривожланишида ёки хулқ-атворида нуқсони бўлган вояга етмаганларга ихтисослаштирилган ташхис ҳамда даволаш-тиклаш ёрдамини кўрсатади;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига юборилаётган вояга етмаганларнинг соғлиғи тўғрисида белгиланган тартибда хулосалар тайёрлайди;

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ташкил этади;

жинсий йўл билан юқтириладиган касалликларнинг манбаларини аниқлаш, ушбу касалликларга чалинган вояга етмаганларни текшириш ва даволашни ташкил этади.

Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**17-модда. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари**

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ўз ваколатлари доирасида:

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатишда белгиланган тартибда иштирок этади;

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилишнинг замонавий услуб ҳамда технологияларидан фойдаланади;

вояга етмаганларнинг дам олишини, ижтимоий муассасаларда очилган тўгараклар ёки клубларда ижодий қобилиятини ривожлантиришни ташкил этишда иштирок этади;

ногирон болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди, ногирон болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматларининг комплекс тармоқларини ривожлантиради;

вояга етмаганларни ишга жойлаштириш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашади, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида

(Давоми. Боши 1, 3-бетларда).

**18-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ташкилотларнинг ҳамда оммавий ахборот воситаларининг иштироки**

Маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

фаолияти вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган болалар ва ёшлар жамоат бирлашмалари, ижтимоий муассасалар, жамоат фондларига ҳамда бошқа ташкилотларга ёрдам кўрсатади;

вояга етмаганларни ўқитишни, уларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этишда иштирок этади;

вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда шакллантириш бўйича фаолиятни амалга оширади.

Маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**19-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштироки**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этади, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оилаларга ёрдам кўрсатади;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## 3-боб. Якка тартибдаги профилактика ишини ташкил этиш

**20-модда. Ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб бориладиган шахсларнинг тоифалари**

Якка тартибдаги профилактика иши қуйидаги вояга етмаганларга нисбатан олиб борилади:

назоратсиз ёки қаровсиз қолганлар;

ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этганлар;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ёки ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида сақланаётганлар;

таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётганлар;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлар;

амнистия акти асосида ёки қилмиш ёхуд шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги сабабли ёки айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги ёхуд ярашилганлиги муносабати билан, шунингдек вояга етмаганни жазо қўлламасдан туриб тузатиш мумкин деб эътироф этилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан озод қилинганлар;

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаганлар ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаганлар;

жиноят содир этганликда айбланиб, қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланганлар;

мажбурлов чоралари қўлланган ҳолда жиноий жазодан озод қилинганлар;

жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинганлар, шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги сабабли ёки айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан ёхуд амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилинганлар;

ҳукмнинг ижроси кечиктирилганлар;

шартли ҳукм қилинганлар, ахлоқ тузатиш ишларига ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо турларига ҳукм қилинганлар;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келганлар;

руҳий касаллик туфайли соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳисобда турганлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлганлар.

Якка тартибдаги профилактика иши ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларга нисбатан ҳам олиб борилади.

**21-модда. Якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш асослари**

Якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш учун ушбу Қонуннинг 20-моддасида назарда тутилган ҳолатлар, агар улар қуйидаги ҳужжатларда қайд этилган бўлса, асос бўлади:

вояга етмаганнинг ёхуд унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар ваколатига кирадиган масалалар юзасидан ўзига ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аризасида;

суднинг ҳукми ёки ажримида;

вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ёки ички ишлар органи бошлиғининг қарорида;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи муассасаларга вояга етмаганларни жойлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатларда;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи орган ёки муассаса раҳбари шикоятлар, аризалар ёки бошқа хабарларни текшириш натижалари бўйича тасдиқлаган хулосада.

**22-модда. Якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш муддатлари**

Якка тартибдаги профилактика иши ижтимоий ва бошқа ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган муддатларда, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлигига, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитлар бартараф қилингунига ёки вояга етмаганлар ўн саккиз ёшга тўлгунига ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатлар юзага келгунига қадар олиб борилади.

**23-модда. Якка тартибдаги профилактика иши олиб борилишини ташкил этиш**

Ички ишлар органлари ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган билан якка тартибдаги профилактика ишини унинг шахси ва ён-атрофидагиларнинг ўзига хос хусусиятларини, содир этилган ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг хусусиятини, оилавий тарбия шароитларини ҳисобга олган ҳолда олиб боради. Ушбу ҳолатлар вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, бошқа шахслар билан профилактика суҳбатлари ўтказиш, вояга етмаганни унинг яшаш, ўқиш (иш) жойига бориб кўриш, тавсифловчи материалларни ўрганиш давомида аниқланади.

Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш давомида:

вояга етмаганнинг турмуш тарзи, алоқалари ва нияти аниқланади;

вояга етмаганга ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг оқибатлари тушунтирилади;

вояга етмаганнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этиши сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади ҳамда уларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар кўрилади;

вояга етмаганни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этаётган шахслар аниқланади ва уларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга доир чора-тадбирлар кўрилади;

вояга етмаганга ижобий таъсир кўрсатишга қодир бўлган шахслар жалб этилади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорликда вояга етмаганни сақлаш, тарбиялаш, унга таълим бериш, унинг бандлиги ва дам олишини ташкил этиш масалалари ҳал этилади.

Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш давомида:

оиладаги муҳитни соғломлаштиришга, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг болаларга салбий таъсир кўрсатишини бартараф этишга доир тадбирлар амалга оширилади;

ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик, болаларнинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатганлик ёхуд улар билан шафқатсиз муомалада бўлганлик оқибатлари тушунтирилади;

оилани яшаш жойига бориб кўриш, тавсифловчи материалларни ўрганиш, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари вакиллари, бошқа шахслар билан суҳбатлар ўтказиш орқали ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг турмуш тарзи ҳамда нияти аниқланади;

уларга ижобий таъсир кўрсатишга қодир бўлган шахслар жалб этилади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорликда вояга етмаганларни сақлаш, тарбиялаш, уларга таълим бериш, уларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этиш масалалари ҳал этилади;

вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга белгиланган тартибда таклифлар киритилади.

**24-модда. Ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётган шахсларнинг ҳуқуқлари**

Ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётган вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлар билан таъминланади.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаси ёки ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақланаётган вояга етмаганлар белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқлар билан таъминланади:

ота-онасини ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни вояга етмаганлар мазкур муассасаларга олиб келинганлиги ёки жойлаштирилганлиги тўғрисида хабардор қилиш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг қарорлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органларга, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга, прокуратура органларига ёки судга шикоят қилиш;

одамнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмайдиган инсоний муомалада бўлиш;

чекланмаган миқдорда телефонда сўзлашувлар, бошқа алоқа воситалари орқали мулоқотлар ҳамда учрашувлар воситасида оиласи билан алоқада бўлиш, посилкалар, бандероллар, йўқловлар олиш, хат ва телеграммалар олиш ҳамда жўнатиш;

белгиланган нормалар бўйича бепул овқат, кийим-кечак, пойабзал ва ашёвий таъминотнинг бошқа буюмларини олиш.

## 4-боб. Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тартиби

**25-модда. Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги материалларни тайёрлаш**

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштиришни талаб қилувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, ички ишлар органлари вояга етмаган ички ишлар органларининг бўлинмаларига келтирилган пайтдан эътиборан 48 соат ичида вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома юбориш учун материалларни тайёрлаши шарт.

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва уни мазкур марказга жойлаштириш зарурлигини тасдиқловчи материаллар вояга етмаган топилган жойдаги ёхуд ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази жойлашган ердаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан юборилади.

**26-модда. Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг суд томонидан кўриб чиқилиши**

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ички ишлар органи уни тақдим этган пайтдан эътиборан 24 соат ичида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан ёпиқ суд мажлисида якка тартибда кўриб чиқилади.

Ўзига нисбатан ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилаётган вояга етмаган, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органининг, ички ишлар органининг вакиллари суд мажлисида иштирок этиши шарт. Илтимосномани кўриб чиқишда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг вакили ва адвокат иштирок этиши мумкин.

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш ички ишлар органи вакилининг вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш зарурлигини асослаб берадиган маърузасидан бошланади. Сўнгра прокурор, ўзига нисбатан илтимоснома кўриб чиқилаётган вояга етмаган, адвокат, агар у суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим этилган материаллар ўрганилади.

Ажрим судья томонидан алоҳида хонада чиқарилади.

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, судья қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисида;

илтимосномани қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисида.

Судьянинг вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисидаги ажрими у ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро этилиши лозим.

Судьянинг вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажрими дарҳол ички ишлар органига ижро этиш учун, вояга етмаганга, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга, васийлик ва ҳомийлик органига, адвокатга, агар у суд мажлисида иштирок этган бўлса, маълумот учун юборилади.

Судьянинг вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажрими устидан судья мазкур ажримни чиқарган кундан эътиборан ўн кун ичида жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судига вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда адвокат томонидан шикоят берилиши ёки прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судининг судьяси вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарилган ажрим устидан берилган шикоятни (протестни) шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқади ва қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни (протестни) эса қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисида;

судьянинг ажримини ўзгартириш тўғрисида;

судьянинг илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги ажримини бекор қилиш ҳақида;

судьянинг илтимосномани қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисидаги ажримини вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш масаласини ҳал қилган ҳолда бекор қилиш ҳақида.

**27-модда. Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақлаш муддатини узайтириш тартиби**

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома ва ушбу муддатни узайтириш заруратини тасдиқловчи материаллар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан мазкур марказ жойлашган ердаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақлашнинг муддати тугашидан камида уч кун олдин юборилади.

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома ушбу Қонуннинг 26-моддасида белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

## 5-боб. Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тартиби

**28-модда. Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги материалларни тайёрлаш**

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия вояга етмаганга нисбатан келиб тушган унинг айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб рад қилинган ёки тугатилган жиноят иши материалларини ёхуд ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб борилган вояга етмаганнинг ҳуқуқбузарлиги ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиб, вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ёки бошқа таъсир чораларини қўллаш ҳақида қарор қабул қилади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, ички ишлар органлари бу ҳақда зудлик билан хабардор қилинади.

Ички ишлар органлари вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш учун зарур бўлган материалларни ўн кун ичида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия учун тайёрлаши шарт.

Ички ишлар органлари тегишли давлат органларига ва бошқа ташкилотларга зарур ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юборади. Сўровлар олинган кундан эътиборан беш кун ичида бажарилиши керак.

Соғлиқни сақлаш муассасалари вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш мумкинлигини аниқлаш учун уни тиббий текширувдан ўтказади.

Тиббий текширув вақтида вояга етмаганда унинг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасида сақланиши, тарбияланиши ва таълим олишига тўсқинлик қиладиган касалликлар аниқланган тақдирда, унга тааллуқли материаллар бошқа таъсир чораларини қўллаш учун вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга топширилади.

Ўзига нисбатан ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш ҳақидаги материаллар тайёрланаётган вояга етмаган ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилиши ёхуд ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг назоратига топширилиши мумкин бўлиб, улар вояга етмаганнинг муносиб хулқ-атворда бўлишини ва суднинг чақирувига биноан келишини таъминлаши шарт. Судга келишдан бўйин товлаётган ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, шунингдек ўн олти ёшга тўлган вояга етмаганлар мажбурий келтирилиши мумкин.

Вояга етмаганлар, агар жиноят ишини қўзғатиш рад қилинган ёки жиноят иши тугатилган ёхуд жиноий жазодан озод қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилмайди.

**29-модда. Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш**

Ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш мумкинлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қуйидаги ҳужжатларни юборади:

вояга етмаганнинг ўқиш (иш) жойидан маълумотнома ва тавсифнома;

вояга етмаганнинг оилавий-маиший турмуш шароитларини текшириш далолатномаси;

ички ишлар органининг вояга етмаган томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар ҳамда шу сабабли кўрилган таъсир чоралари ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган маълумотномаси;

соғлиқни сақлаш муассасасининг вояга етмаганнинг соғлиғи ҳолати ҳамда уни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш мумкинлиги ҳақидаги хулосаси.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларни олгач, вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани олинган ҳужжатларни, шунингдек жиноят ишини қўзғатиш рад қилинган ёки тугатилган жиноят иши материалларини илова қилган ҳолда уч суткадан кечиктирмай судга юборади.

**30-модда. Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг суд томонидан кўриб чиқилиши**

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия уни тақдим этган пайтдан эътиборан 24 соат ичида вояга етмаганнинг яшаш жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан ёпиқ суд мажлисида якка тартибда кўриб чиқилади.

Ўзига нисбатан ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилаётган вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органининг, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг вакиллари суд мажлисида иштирок этиши шарт. Илтимосномани кўриб чиқишда ички ишлар органининг вакили ва адвокат иштирок этиши мумкин.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия вакилининг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш зарурлигини асослаб берадиган маърузасидан бошланади. Сўнгра прокурор, ўзига нисбатан илтимоснома кўриб чиқилаётган вояга етмаган, адвокат, агар у суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим этилган материаллар ўрганилади.

Ажрим судья томонидан алоҳида хонада чиқарилади.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, судья қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига мазкур мажбурлов чорасини қўллаш муддатини кўрсатган ҳолда жойлаштириш тўғрисида;

вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирмай туриб тузалиши мумкинлигини тасдиқловчи ҳолатлар ёки уни мазкур муассасага жойлаштиришга тўсқинлик қиладиган сабаблар судья томонидан аниқланган ҳолларда, илтимосномани қаноатлантиришсиз қолдириш ва материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга вояга етмаганга нисбатан бошқа таъсир чораларини қўллаш учун юбориш тўғрисида.

Судьянинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисидаги ажрими у ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро этилиши лозим.

Судьянинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажрими дарҳол мазкур ажримни ижро этишни таъминловчи органлар ва муассасаларга юборилади, вояга етмаганга, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга, васийлик ва ҳомийлик органига, адвокатга, агар у суд мажлисида иштирок этган бўлса, маълумот учун юборилади.

Судьянинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажрими устидан судья мазкур ажримни чиқарган кундан эътиборан ўн кун ичида жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судига вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамда адвокат томонидан шикоят берилиши ёки прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судининг судьяси вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарилган ажрим устидан берилган шикоятни (протестни) шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқади ва қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни (протестни) эса қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисида;

судьянинг ажримини ўзгартириш тўғрисида;

судьянинг илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги ажримини бекор қилиш ҳақида;

судьянинг илтимосномани қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисидаги ажримини вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш масаласини ҳал қилган ҳолда бекор қилиш ҳақида.

**31-модда. Суднинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан чиқарилган ажримини ижро этиш**

Суднинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан чиқарилган ажримининг ижросини қуйидагилар таъминлайди:

вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия — вояга етмаганга нисбатан ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа таъсир чораларини қўллашга тааллуқли қисмини;

ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази — вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига олиб боришга тааллуқли қисмини;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаси — вояга етмаганни мазкур муассасада сақлаш муддати мобайнида унинг тузалиши ва ижтимоий-педагогик реабилитация қилинишини таъминлашга тааллуқли қисмини.

## 6-боб. Якунловчи қоидалар

**32-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг молиявий ва моддий-техника таъминоти**

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг молиявий ҳамда моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

**33-модда. Низоларни ҳал этиш**

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**34-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**35-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**36-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 29 сентябрь
№ ЎРҚ—263

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 41789 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5